

Date: 9<sup>th</sup> October-2024

## ЎЗБЕК РАМАННАВИСЛИГИНИНГ АСОСЧИСИ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

**Ахрапова Нигора Сабировна**

Тошкент Давлат Техника Университети

“Ўзбек (рус) тили” кафедрасининг рус тили уқитувчиси.

**Олимжонов Сарвар Олимжонович**

Тошкент Давлат Техника Университети

ННБ-1гурухининг 4 боскич талабаси

Абдулла Қодирий – ёрқин, барчага кенг маълум шоир ва ёзувчи, драматург ва публицист, ўзбек адабиётида роман жанри асосчиси. Қодирийнинг асарлари ўзбек халқи ҳаётига бағишлиланган. Абдулла Қодирийнинг нашр этилмаган XX асрнинг йигирманчи йиллари ёзилган саҳна асари асосида режиссёр Марк Вайль ўзининг Тошкентдаги Илҳом театрида “Оппоқ қора лайлак” саҳна асарини қўйган.

Абдулла Қодирий (Жулқунбой) 1894 йил Тошкентда бадавлат савдгар оиласида туғилган. Ёшлиқ ва ўсмирилик йиллардаги мухит – савдогарлар, бойлар ва камбағал дехқонлар, иқтидорли хунармандлар, доим муҳтоҷлиқда қун кечириувчи косиблар ва ерсиз дехқонлардан иборат бўлган. Ушбу меҳнаткаш одамлар дунёси, шунингдек, шаҳар зиёлилари бўлажак ёзувчи шаклланишида муҳим ўрин тутди.

Абдулла ёшилигидан узоқ умр кечирган (Қодир ака 102 йил умр кўрган) ва кўпни кўрган отасининг ҳикояларини тинглаб ўтирадар эди, отасидан у адабий фаолиятида ас қотган сезгир кузатувчанликни мерос қилиб олган. Унинг отаси боғдорчиликни жуда яхши кўрган, шу сабаб, Қодирийнинг ўзини боғбоннинг ўғлиман, деган фикрларини учратиш мумкин. Абдулла Қодирий аввалига мусулмон мактабида (1904-1906), кейин — рус-тузем мактабида (1908-1012) ўқиб, муваффақиятли якупнайди. 1912 йил келиб, Абдулла Қодирийнинг нисбатан биринчи адабий таржрибалари бошланади. Ўзининг илк нашр этилган асарларида – “Хотинбоз” (1915) ва “Бахтсиз куёв” (1915) ҳикояларида эски ўзбек турмушининг чизгилари ҳажвиёна ифодаланган. 1915-1917 йиллар Қодирий Абдул Қосим мадрасасида араб ва форс тилларини астойдил ўрганади. Ёзувчининг инқилобдан аввалги асарларида жадидчилик таъсири сезалади.

Совет даврида А. Қодирий В. Я. Брюсов (1924-1925) номидаги Москва адабий курсларида ўқииди, сўнгра, 1925-1926 йиллар Тошкентда, “Муштум” ўзбек ҳажвий журналида ишлайди. У ерда китобхоннинг катта муваффақиятига сазовор бўлган ижодкорнинг ҳажвий ҳикоялари ва фельветонлари чоп этилади. Қодирийнинг роман ва қиссалари (“Ўтган кунлар”, “Мехробдан чаён”), шунингдек, жамоавий ижоди (“Обид Кетмон” қиссаси) XIX аср тошкентлик ва қўқонлик ўзбеклар ҳаётига бағишлиланган. “Ўтган кунлар” романи катта шуҳрат қозонган. Барча зиёлилар ушбу китобни ўқишига интилган. Ва ҳатто, саводсиз кишилар уни тинглаш учун гуруҳ бўлиб тўпланишган. Кўплаб ўзбек оилаларида романнинг Отабек ва Кумуш қаҳрамонларининг исмлари пайдо бўла бошлаган.

Date: 9<sup>th</sup> October-2024

Абдулла Қодирий қатағон қилинган. 1937 йилнинг 31 декабрида “халқ душмани” сифатида хибсга олинади, бунга ҳасадгўй “қаламкаш ҳамкаслари” қўл урган. 1938 йилнинг 4 октябрь куни ёзувчи отиб ташланган, ўлимидан сўнг оқланган. Тошкентдаги Хўжа Аламбардор (Камолон) қабристонига дафн этилган.

А. Қодирийнинг ўлимидан сўнг кимнинг кўлида “Ўтган кунлар” романини кўришса, ўшаларни қамашган. Кейин вазият ўзгарган...

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. www.literature.com